

“Ўзагросуғурта” АЖ ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совғалар қиймати ҳамда уларни тасарруф этиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

Мазкур Низом “Ўзагросуғурта” АЖ ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Ўзагросуғурта” АЖ (бундан буён матнда — Жамият деб юритилади) ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совғалар қиймати, уларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда тасарруф этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Жамият — “Ўзагросуғурта” АЖ;

ходим — Жамият билан меҳнат шартномаси асосида меҳнат муносабатларига киришган шахс;

совға — ходимга ёки унинг оила аъзоларига халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан жисмоний ёки юридик шахслар томонидан бепул тақдим этилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёхуд беғараз кўрсатилган хизмат;

халқаро тадбирлар — Жамият вакиллари ҳамда хорижий ташкилотлар, ҳамкорлар ёки бошқа вакиллар иштирокида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, тажриба алмашиш ва бошқа расмий мақсадларда ташкил этиладиган тадбирлар;

расмий тадбирлар — Жамият фаолиятидан келиб чиқиб, Жамият номидан унинг вакиллари иштирокида ташкил этиладиган учрашув, музокара, конференция, семинар, тақдимот, давра суҳбати, маросим ва бошқа тадбирлар;

хизмат сафари — Жамият раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ходимнинг хизмат вазифаларини бажариш мақсадида доимий иш жойидан бошқа ҳудудга юборилиши;

совға берувчи — халқаро ёки бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ходимга совға тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс вакили;

совғалар рейестри — Жамият ходимлари томонидан қабул қилинган совғалар тўғрисидаги маълумотлар қайд этиладиган рўйхат.

3. Ходимлар томонидан ўз хизмат ваколатларидан жисмоний ёки юридик шахслар манфаатларини кўзлаб фойдаланиш, муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик эвазига ҳар қандай совғаларни олиш тақиқланади.

Бунда:

- алоҳида хизматлари учун Жамиятнинг тегишли қарори асосида берилган мукофотлар;

- танлов ва мусобақаларда эришилган ютуқлар учун берилган совғалар;

- байрамлар, юбилей саналари ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан берилган мукофотлар бундан мустасно.

4. Ходим ўзи ёки бошқа шахслар учун халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совға тақдим этилишини талаб қилишга, сўрашга ёки бунга ундашга ҳақли эмас.

5. Ходимнинг оила аъзоларига халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғалар мазкур Низом мақсадлари учун ходимга берилган совға сифатида баҳоланади.

6. Жамиятда совғалар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- совғанинг қийматини аниқлаш, сақлаш ва совғалар рејестрини юритиш — Жамият раҳбарининг буйруғи билан белгиланадиган таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан;

- совғаларни Жамият балансига кириш қилиш — молия-иқтисод бўлинмаси томонидан;

- совғалар билан боғлиқ коррупциявий хавфларни баҳолаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда назоратни амалга ошириш — Жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

2-боб. Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғани қабул қилиш талаблари

7. Жамият ходими томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятнинг ички ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлиши;

- совға уни тақдим этувчи шахс томонидан айнан халқаро ёки бошқа расмий тадбир муносабати билан ихтиёрий равишда берилган бўлиши;

- совға Жамият ходими томонидан очиқ ва ошкора қабул қилиниши;

- совға Жамиятнинг ишчанлик обрўси ва нуфузига салбий таъсир кўрсатмаслиги;

-совғани қабул қилиш манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келишига сабаб бўлмаслиги;

-совға ходимнинг хизмат вазифаларини бажаришда холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим.

8. Жамият ходими совғани қабул қилиш жараёнида совға берувчидан унинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатларни (савдо чеки, квитансия ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) тақдим этишни сўраши мумкин.

9. Ходимга тақдим этилган тез бузиладиган маҳсулотлар (табиий гул дастаси, доналик ширинликлар ва шу каби маҳсулотлар), шунингдек, реклама ва иш юритиш хусусиятига эга бўлган буюмлар (тақвим, буклет, ручка, кундалик, блокнот ва шу каби канцелярия маҳсулотлари) совға сифатида расмийлаштирилмайди ҳамда ходим томонидан ўз хоҳишига кўра тасарруф этилиши мумкин.

10. Жамият ходими халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан меҳмондўстлик белгиси сифатида билдирилган таклифларни қабул қилиши мумкин.

Бунда, ходим мазкур таклифнинг беғаразлигига шубҳа қилган тақдирда, уни дарҳол рад этиши ҳамда бу ҳақда Жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмасини хабардор қилиши шарт.

11. Жамият ходимлари хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш ёки ҳаракатсизлик эвазига берилаётган ҳар қандай совғаларни қабул қилмаслиги шарт.

12. Совғаларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолатларда ходимлар манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий хавфларнинг олдини олиш бўйича Жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмасига мурожаат қилишлари мумкин.

13. Жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаси совғалар билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш, коррупциявий хавфларни баҳолаш ҳамда мазкур Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш ваколатига эга.

3-боб. Халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғанинг қиймати ва уни тасарруф этиш

14. Жамият ходими хизмат сафари, халқаро ёки бошқа расмий тадбирлар муносабати билан унга тақдим этилган совғани ушбу тадбир якунланганидан сўнг доимий иш жойига қайтган кундан бошлаб уч иш куни ичида Жамият раҳбарининг буйруғи билан белгиланадиган масъул таркибий бўлинмага топшириши лозим.

Бунда ходим совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар (савдо чеки, квитансия ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) мавжуд бўлса, уларни ҳам тақдим этади.

Мазкур талаб тез бузиловчи маҳсулотлар ҳамда ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган буюмларга нисбатан татбиқ этилмайди.

15. Ходим томонидан совға масъул таркибий бўлинмага топширилгунга қадар унинг бутлиги ва сақланиши учун жавобгарлик ходим зиммасида бўлади.

16. Жамият ходими томонидан топширилган ҳар бир совға бўйича масъул таркибий бўлинма томонидан икки нусхада топшириш ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Бунда:

- далолатноманинг бир нусхаси совғани топширган ходимга берилади;
- иккинчи нусхаси Жамиятда сақланади;
- совға тўғрисидаги маълумотлар совғалар реестрига киритилади.

17. Агар ходимда совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, совғанинг қиймати Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан аниқланади.

Бунда совғанинг бозор қиймати:

- савдо ташкилотлари;
- интернет манбалари;
- бошқа очиқ ахборот манбалари орқали ўрганилади ва аниқланган қиймат бўйича тегишли далолатнома ёки хулоса расмийлаштирилади.

18. Совғанинг қиймати амалдаги қонунчиликда белгиланган миқдордан ошмаган тақдирда, совға ходимда қолдирилиши ва у томонидан ўз хоҳишига кўра тасарруф этилиши мумкин.

Бунда мазкур ҳолат бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирилади ҳамда совғалар реестрида қайд этилади.

19. Совғанинг қиймати белгиланган миқдордан ортиқ бўлган тақдирда, мазкур совға Жамиятнинг молия-иқтисод бўлинмаси томонидан Жамият балансига кирим қилинади.

20. Жамият балансига ўтказилган совғалардан Жамият фаолияти ва эҳтиёжлари учун фойдаланишга рухсат этилади.

21. Жамият ходимида ўзига тақдим этилган совғани қабул қилиш қонунийлиги юзасидан шубҳа туғилган тақдирда, у бу ҳақда зудлик билан ўзининг раҳбарига ёки Жамиятнинг коррупсияга қарши ички назорат бўлинмасига хабар бериши шарт.

22. Совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ишончлилиги ёки ҳақиқийлиги юзасидан шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, мазкур ҳужжатлар Жамиятнинг коррупсияга қарши ички назорат бўлинмаси томонидан ўрганилиши мумкин.

23. Ходимнинг оила аъзоларига халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғалар мазкур боб талабларига мувофиқ равишда ҳисобга олинади ва тасарруф этилади.

24. Жамиятнинг коррупсияга қарши ички назорат бўлинмаси совғалар билан боғлиқ жараёнларни мониторинг қилади, коррупсиявий хавф-хатарларни баҳолайди ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича Жамият раҳбариятига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Яқуний қоида

25. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

26. Жамият ходимлари томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилишини таъминлаш, совғалар билан боғлиқ ҳолатларни назорат қилиш ҳамда коррупсиявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича масъулият тегишли таркибий бўлинмалар ва Жамиятнинг коррупсияга қарши ички назорат бўлинмасига юклатилади.

27. Мазкур Низом талабларини бузган, шу жумладан хизмат ваколатларидан фойдаланиб ноқонуний совғалар олган ёки совғалар тўғрисидаги маълумотларни яширган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

28. Жамиятнинг коррупсияга қарши ички назорат бўлинмаси мазкур Низом талабларини такомиллаштириш, коррупсиявий хавф-хатарларни камайитириш ва совғалар билан боғлиқ жараёнларда шаффофликни таъминлаш юзасидан Жамият раҳбариятига таклифлар киритиб боради.

29. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қонунчилик ҳужжатлари, коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги талаблар ҳамда Жамият фаолиятидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

30. Ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятнинг ички ҳужжатлари ҳамда коррупсияга қарши курашиш бўйича белгиланган талаблар асосида тартибга солинади.